

## Кимки макр қилиб яшаса, фақирликда ўлади



11:32 / 18.01.2023 3569

Ибн Қоййим раҳимаҳуллоҳ деди:

«Кимки макр қилиб яшаса, фақирликда ўлим топади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг бандалари устига жорий этган кавний суннатидан биридир бу: Ким ботил, ноҳақ билан макр қилса, унга ўша йўл ила макр қилинади. Ким ҳийла қилса, унга ўшандай ҳийла қилинади. Ким бошқага фирибгарлик қилиб, алдаса, унга фирибгарлик, алдов қилинади. Бирон маккорни кўрмайсанки, ўзидан ҳам маккороғига йўлиқади, макр қилинади, бирон хиёнатчини кўрмайсанки, унга хиёнат қилинади ва бирон ҳийлагарни кўрмайсанки, албатта унга ҳийлагар йўлиқади.

*«Ифосатул лаҳфаан мин масоидиш- шайтон» асаридан*